

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА МАХСУС КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМ
БОШҚАРМАСИ
СОБИР РАХИМОВ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ**

***МАВЗУ: 1929-1939 ЙИЛЛАРДА БУЮК
АНГЛИЯ***



Невилл Чемберлен.

ТОПШИРДИ: МУХТОРЖОНОВА. М

МУХТОРОВА. М

ҚАБУЛ ҚИЛДИ: РЎЗИЕВА. Г

ТОШКЕНТ

Режа:

1. *Иқтисодий инқирознинг мамлакат иқтисодиётига таъсири.*
2. *Р. Макдональд ҳукумати ва унинг мамлакати қутқариш дастури.*
3. *Мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар.*
4. *Ташиқи сиёсат.*
5. *Н. Чемберленнинг Гитлернинг “тинчлантириш” сиёсати.*

1929-1939 йилларда буюк Англия

Иқтисодий инқироз Англияда 1930 йилда рўй берди, ammo унинг чўққиси 1932 йилга тўғри келади. Саноат соҳасидаги ишлаб чиқариш 1932 йилда 1929 йилдагига нисбатан 82% га тушиб кетди, 1933 йилда эса пасайиш 93% ни ташкил қилди. Саноат соҳасидаги ишлаб чиқариш даражасининг Англияда нисбатан оз пасайиши маҳсулотларни резерв бозорлар сифатида сақлаб турилган мустамлака ва қарам мамлакатларда сотиш ҳамда у ерлардан арзон хом ашё ва ишчи кучини келтириш имкониятлари мавжудлиги билан изоҳланади. Инқироз Англи иқтисодиётининг. Металлургия, кемасозлик соҳаларини айниқса қаттиқ ларзга солди.

Инқироз даврида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқариш даражаси кескин қисқартирди. Аҳолида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун маблағ йўқ эди. Ишсизлик даражасининг юқорилиги мамлакатнинг шундоқ ҳам тор ички бозорининг баттар торайишига олиб келди.

Англия иқтисодиётининг таянчи ташқи савдо ҳисобланарди. Инқироз даврида Англия маҳсулотларни экспорти икки баровар камайди, уларнинг рақобатбардошлиги йўқолди. Англияни анъанавий бозорлардан сиқиб чиқариш жараёни авж олди. Инқироз натижасида жуда кўп мамлакатлар касодга учраб, Англия

маҳсултарни рад этдилар. Бир вақтнинг ўзида хорижий рақиблар Англияни ҳатто унинг ички бозоридан ҳам сиқиб чиқаришга уриндилар. Европа ва АҚШ да рўй берган молиявий инқироз, марказий Европадаги банкларнинг кассодга учраши Англия пулининг қадрсизланишига олиб келди ва унинг олтин билан таъминланишига барҳам берди.

Англия саноатининг алоҳида ҳудудлардаги анъанавий соҳаларида рўй берган инқироз “шикастланган ҳудудлар” ёки “депрессия учраган ҳудудлар” нинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу ҳудудларда иқтисодий ҳаёт деярли тўхтаган эди. Корхоналар ўз фаолиятларини тўхтадлар, одамлар бу ҳудудларни ташлаб чет, элларга кўчиб кета бошладилар, чунки Англияда ҳаёт истиқболсиз бўлиб борарди.

Инқироз консерваторлар ҳукумати сиёсатининг барбод бўлганини англатди. Мамлакат аҳолиси иқтисодий қийинчиликларнинг муттасил ўсишидан норози бўлди ва ўзгаришгаришлар талаб қилди.

1929 йил май ойидаги парламентга сайловларда лейбористлар партияси кўпчилик образ олди ва партия раҳбари Рамсей Макдональд (1866г1937) Бош вазир қилиб тайинланди. Р. Макдональд XX аср Англия сиёсий ҳаётидаги энг мураккаб тақдирли шахслардан бири бўлди. У кичкина балиқчилар қишлоғида қашшоқ шотландлар оиласида туғилди ва 1894 йилда фаолият кўрсатди. У 27 йил

давомида парламент депутати, уч марта мамлакат Бош вазири бўлди.

Макдональд реалист сиёсатчи бўлиб. Англиянинг собиқ буюклигини қайтаришни хомхаёл деб ҳисобланарди. Бироқ у Англияни бостириб келаётган ҳалокатдан қутқаришга ва мамлакатнинг жаҳондаги мавқеини энг аввало муффақиятли дипломатик комбинациялар уюштириш ҳамда Миллатлар Лигасидан фойдаланиш йўли билан сақлаб қолишга уринди.

Тарихий маълумот:

Англия қироллари.

1837-1901 йиллар-Виктория.

1901-1910 йиллар-Эдуард VII.

1910-1936 йиллар-Георг V.

1936 йил январь. Декабрь – Эдуард VIII.

1936-1952 йиллар-Георг VI.

Ҳукумат раҳбарлари.

1895-1902 йиллар – Р.С. Солсбери.

1902-1905 йиллар – А.Ж. Бальфур.

1905-1908 йиллар – Г. Кэмпбел-Баннерман.

1908-1916 йиллар - Г. Асквит.

1916-1922 йиллар – Г. Асквит.

1916-1922 йиллар- Д. Ллойд-Жорж.

1930 йил баҳорида Англияни яна синфий кураш тўфони ларзга солди. Бутун мамлакат ишсизларни ҳаракатида иштирок этди. 1930 йил мартдан апрельгача ишсизлар ва очларнинг оммавий юриши бўлиб ўтди ва у Лондонда Гайд-паркдаги улкан намоёниши билан якунланди. Англияда вазият кундан-кунга кескинлашиб борарди. Ишлаб чиқаришда оммавий иш ташлашлар бошланди, тадбиркорлар бунга жавобан оммавий ишдан бўшашишлар билан жавоб бердилар.

Анлия ҳукмрон доиралари йирик сиёсий найрангларни амалга оширишга аҳд қилдилар. 1931 йил августда Р.Макдональд ҳукумати истеъфога чиқди. Янги ҳукумат маҳнаткашларнинг ижтимоий имтиёзларига қарши ёппасига ҳужум бошланди. Ишсизлик бўйича нафақа 10% га пасайтирилди, ҳарбий-денгиз флоти шахсий таркибининг маоши қисқартирилди. Англия халқига берилган қаттиқ зарба бўлди. Фунт стерлингни олтинга алмаштириши барҳам топди.

Олтин билан таъминлашнинг тўхталиши кутилган натижани бермади. Англия иқтисодиётини жонлантириш ўрнига у фунт стерлингнинг қадрсизланишига олиб келди. 1931 йил декабрида уолдинги қийматининг фақат 70% ини ташкил қилди. Пул қадрининг тушушуи Англия саноат маҳсулотларининг қимматлашиши ва рақобатбардошилги заифлашишига олиб келди.

Миллий коалиция ҳукуматининг ҳукмронлиги 1935 йил ноябр ойидаги сайловларда қадар давом этди. Аммо 1935 йил июнидаёқ Р. Макдональд Бош вазир лавозимидан олиниб, унинг ўрнига консерваторлар партияси раҳбари Стенли Болдуин (1867-1947) тайинланди.

Англия ҳукмрон доираларнинг хатоликлари Бош вазирнинг алмашувида ҳам ўз аксини топди. 1937 йил 28 майда Англия бош вазири қилиб Консерватив партиянинг раҳбари Н. Чемберлен (1869-1940) тайинланди. У парламентга 1918 йилдан 1937 йилгача консерваторлар партияси номидан иштирок этиб, консерваторларнинг ҳукуматларида муҳим лавозимларни эгаллаб келган эди. У Бош вазир курсисини 1937 йил 28 майда эгалади ва 1940 йил 10 майгача, жамоалар палатаси унинг истеъфога чиқарилиши учун овоз бериб, ўрнига Уинстон Черчиллни сайлангунча қадар фаолият кўрсатди. Бу жудда катта хато эди. Англия уруш ва шармандалик ўртасида ўзига йўл қидирди. У шармандалик йўлини танлади ва бу йўл сўнг урушга олиб кирди. Н. Чемберленнинг Мюнхендаги хатоси унинг ўзига ҳам қимматга тушди.

Ҳукуматнинг қатор аъзолари истеъфога чиқдилар. Н. Чемберленнинг ҳукумат тепасида сақланиб қолиниши мўъжиза бўлди.

Кўп ўтмай Англия ҳукумати Германия Шарқда Совет Иттифоқига қарши эмас, Ҳарбда Англия ва Францияга

қарши уруш бошлаши мумкинлиги тўрисидаги маълумотни қўлга киритди.

1939 йил мартда Н. Чемберлин Польшага ҳарбий кафолатлар берилишини маълум қилди. Худди шундай кафолатни Польшага хужум қилган тақдирда Англия ва Франция унга барча, шу жумладан ҳарбий воситалар билан ҳам ёрдам кўрсатишини аниқларди. Шундай кафолатлар Греция ва Руминияга ҳам берилди. Н. Чемберлен ҳануз Германия билан дунёни бўлиб олиш ва Совет Иттифоқига қарши салб юриши уюштириши тўғрисида яхшиликча келишиш мумкинлигига ишонарди.

Англия ҳукмрон доираларни доминионлардаги аҳолига нисбатан бир қанча ён беришларга боришга мажбур бўлди. 1931 йилда Англия парламенти унинг бирор-бир қонуни доминионларга уларнинг расмий розилигисиз тадбиқэтилмаслигини жиловлаш эди. Бундан ташқари, япон империализм экспансияси хавфи ҳам кучайиб, у Тинч океанининг ғарбий қисми, Хитой ва Ҳинд океанидаги муаммаларни қайта тақсимлаш ҳамда уларни ҳукмронликни қарор топдиришга мажбур қилди.

Совет ҳукуматининг мақсади аниқ эди – жамоавий хавфсизликнинг тизимини яратиш ва агрессорга бирга. Баҳамжисхат қарши туриш. Жамоатчилик фикри тазйиқи остида Н. Чемберлин ва Э. Даладье Москвага Германияга

қарши олиб бориш учун делегациялар йўллашга мажбур бўдилар.

Аммо, Москвада 1939 йил мартдан августгача давом этган музокаралар Ғарб давлатлари Совет Иттифоқида бир томонлама мажбуриятлар юклаб, уни Германияга қарши урушга тортиб, ўзлари четда томошабин бўлиб туриш наятида эканликларни ошкор қилдилар.



Англия буржуазияси маҳаллий миллат вакиллари орасида ўзига иттифоқчилар топиш, уларни ўз ҳудудларини япон агрессиясидан ҳимояловчи қисмлар ташкил қилишга уринди. 1935 йилда Ҳиндистон учун жорий этилган янги конституция шу мақсадни кўзларди. Вакиллар идораларига сайловчилар сони 14% гача оширилди ва мустамлакаларнинг маъмуриятлари қўлида тўла сақланиб қолди.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1. ЖАҲОН ТАРИХИ 10–СИНФ, Т. - 2000 ЙИЛ.***
- 2. ЖАҲОН ТАРИҲИ 9- СИНФ, Т. – 1999 ЙИЛ.***
- 3. “ХАЛҚ СЎЗИ” ГАЗЕТАСИ – 1998 ЙИЛ. 4-СОН.***
- 4. “ТАФАККУР” ЖУРНАЛИ – 1999 ЙИЛ. 6 –СОН.***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА МАХСУС КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМ
БОШҚАРМАСИ
СОБИР РАХИМОВ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ**

**МАВЗУ:РОССИЯ 1917 ЙИЛ
ФЕВРАЛ БУРЖУА-ДЕМОКРАТИК
ИНҚИЛОБИ ВА ОКТЯБРЬ ТўНТАРИШИДАН
КЕЙИН.**



ТОПШИРДИ: АХРОРОВА.М

ҚАБУЛ ҚИЛДИ: РЎЗИЕВА. Г

ТОШКЕНТ

РЕЖА:

- 1. Россияда тоталитар тузумининг қарор топиши.*
- 2. Муваққат ҳукумат ҳокимиятининг ағдариши.*
- 3. Россия 1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин.*
- 4. Брест тинчлик шартномаси.*
- 5. Россияда фуқоролар уруши.*

1917 йилнинг февраль ойи охирида Россияда рўй берган инқилоб Романовлар сулоласининг подшоҳлик тузумига барҳам берди. 1917 йил 2 мартда подшоҳ Николай II ўз укаси Михаил фойдасига тахтдан воз кечди. Аммо ҳокимиятнинг подшоҳлик шаклига қарши норозиликлар туфайли Михаил Романов бу таклифни қабул қилмади. Фақатгина Таъсис мажлиси розилиги билан тахтга ворислик қилиши мумкинлигини билдирди.

Мамлакатда амалда икки ҳокимиятчилик қарор топди. Ҳокимият буржуа партиялари вакилларида иборат Муваққат ҳукумат билан ишчи ва аскар депутатлари органи бўлган Советлар ўртасида тақсимланган эди. Икки ҳокимиятчилик – икки диктатуранинг якка ҳукмронлик учун кураши даври 1917 йилнинг 1 майдан 2 июлигача давом этди. Муваққат ҳукумат парламентлар монархияни эълон қилиши тарафдори эди. Ишчи ва аскар депутатлари пролетариат ва деҳқонларнинг инқилобий-демократик диктарусасига таяниб демократик республика ўрнатиши учун кураш олиб борардилар.

Муваққат ҳукумат асосан ўрта ва йирик буржуазия манфаатлари ифодачиси бўлган конституцияси демократиклар партияси аъзоларидан тузилган эди. Советлар социалистлар-инқилоблар ва Россия социал-демократ ишчилар партияси томонидан таъкил этилган бўлиб, ўша даврда раҳбарлик 1917 йилнинг феввалида кичик бир гуруҳнинг таъкил этарди.

1917 йилнинг 3 апрель куни кечқурун В. Ленин Петродга етиб келди. Россияга келган заҳоти у мавжуд тузумни “социалистик инқилоб” йўли билан ағдарии дастурини илгари сурди. Амалда у болшевликлар партиясининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиини ва бу ҳокимият ўрнатиини ва бу ҳокимият воситасида чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлган пролетариат диктатурасини қарор топтириин эди.

Давлат ҳокимиятининг Ленин томонидан илгари сурилган пролетариат диктатураси шакли тоталитар ҳокимиятининг ёрқин намунаси эди. Ленин шундай деб ёзганди: “Пролетариат диктатураси қонунга эмас. Кўпчилиكنинг зоҳирий иродасига эмас, балки тўғридан-тўғри зўравонликка

таянади. Зўравонлик таянади. Зўравонлик – ҳокимиятининг қуролидир”.

Муваққат ҳукумат қиёфасидаги бошқарувнинг республикаси – демократик шакли ҳокимият тепасида узоқ тура олмади. Янги ҳукумат пайтида тузилган махсус назорат муассасалари фаолияти йирик банклар ва корхоналар эгаларининг зимдан қаршилиги туфайли тўхтаб қолди. Барча марказий идораларнинг тамомлама фаолиятсизлиги кузатилди, давлат маблағларини талон-тароғ қилиш бошланди.

Муваққат ҳукумат ўз ишларини ҳарбий муваффақиятлар билан тузатиб олиш умиди билан 1917 йил июнь ойи бошида қўшинларга ҳужумга ўтиш ҳақида буйруқ берди. Ҳужум йирик ҳарбий мағлубият билан якунланди.

Россияда октябрь тўнтаришидан бошқа йўл бормиди? Россия тараққиётининг бошқача йўлидан кетиши мумкинлигини Айрим олимларнинг фикрича. Агар подшоҳ ҳокимияти буржуа-демократик республикаси билан алмаштирилганида эди, Россия жаҳоннинг саноати энг ривожланган иккинчи

мамлакати бўлиши, террор, оммавий репрессиялар, ҳаётнинг паст даражасит ва ахлоқий таназзул каби аянчли қисматидан қутулиши мумкин эди.

Аммо ҳар қандай инқилобий воқеа-уни вужудга келтирган моддий ва маънавий шароитларнинг инъикосидир. Россияда феодал ақидаларнинг сақланиб қолганили эди. Россия кўмир конларнинг 90 фоизи. Кимё саноатининг 50 фоизи, машинасозлик корхоналирнинг 40 фоизи. Банк жамғармаларнинг 42 фоизи Ғарб давлатларига тегишли эди. Миллий сармоя жуда оз, миллий даромад мамлакат эҳтиётларни қондириш ва иқтисодий тараққиёт учун камлик қиларди. Миллий даромаднинг ярмидан кўпини аҳолининг энг фақир қисми бўлган деҳқонлардан олинадиган солиқлар ташкил этарди.

Ишчилар амалда большевиклар партиясини қўллаб-қувватладилар. Аммо улар аҳолининг шу қадар оз қисмини ташкил этардиларки, Россия тарихи жараёнига ҳал қилувчи таъсирлари ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Аммо ишчиларнинг 80 фоизи Петроград ва Москвада жамланган. Инқироз даврида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқариш

даражаси кескин қисқартирди. Аҳолида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун маблағ йўқ эди. Ишсизлик даражасининг юқорилиги мамлакатнинг шундоқ ҳам тор ички бозорининг баттар торайишига олиб келди. Инқироз даврида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқариш даражаси кескин қисқартирди. Аҳолида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун маблағ йўқ эди. Ишсизлик даражасининг юқорилиги мамлакатнинг шундоқ ҳам тор ички бозорининг баттар торайишига олиб келди. Инқироз даврида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқариш даражаси кескин қисқартирди.

Таъсис мажлисининг тарқалитилиши ва Брест сулҳи шартлари мамлакатдаги сиёсий кучларнинг муоммоси пайдо бўлди. Мамлакатдаги бозор муносабатлари издан чиқанганлиги сабабли бу муаммо айниқса шаҳарларда кўзга кескин ташланди. Бундан ташқари, 1918 йил баҳорида қишлоқдан донни мажбурий қишлоқларга юборилиб, ортиқча донни мажбурий олиш бошланди. Фавқуллода озиқ-овқат

гуруҳлари қишлоқларга юборилиб, ортиқча дон давлат ихтиёрига олина бошланди.

Шу муносабат билан 1921 йил март ойида большевиклар тактикасида кескин бурилиш ясади. Мамлакатда янги иқтисодий сиёсат жорий этилди. Бу сиёсат иқтисодиётнинг кўп тарзли бўлишини эътироф этди, эркин тижорат ва хусусий мулкни қонунлаштирилди. Миллионлаб косиблар мамлакат истеъмол молларининг тўтрдан уч қисмини ишлаб чиқра бошлади. Натижада ишчи ва деҳқонлар турмуши дастлабки жиддий ижтимоий тадбирлар ҳаётга жорий этилди.

1917 йилда 2 март –Россия подшохи Николай II нино тахтдан воз кечиши юз берди.

1921 йил – деҳқонларнинг “ҳарбий коммунизм” сиёсатига қарши оммавий чиқишлар. Янги Иқтисодий сиёсатга ўтиш бўлди.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

- 5. ЖАҲОН ТАРИХИ 10–СИНФ, Т. - 2000 ЙИЛ.***
- 6. ЖАҲОН ТАРИҲИ 9- СИНФ, Т. – 1999 ЙИЛ.***
- 7. “ХАЛҚ СЎЗИ” ГАЗЕТАСИ – 1998 ЙИЛ. 4-СОН.***
- 8. “ТАФАККУР” ЖУРНАЛИ – 1999 ЙИЛ. 5 –СОН.***